

Ўткан бир кун мактабда эдим. Бу икки йиллик мактабда бир муаллим жугрофия дарси бермакда экан; ташкаридан туриб ўзимни кўрсатмасдан бир оз дарсни тингладим; дарс мана шундай давом килмокда эди. Жугрофия, биринчи дарс:

Агар биздан сўрасаларким, дунёда нима бор? Жавоб бермоғимиз керакким, куруклик билан сув бор деб. Тагин агар сўрасаларким, куруклик кўбми сув кўбми? Жавоб берамизким, дунёнинг тўрт хиссадан бир хиссаси куруклик, уч хиссаси сув деб. Агар тагин сўрасаларким, курукликни нима килгонлар? Жавобга айтмоғимиз лозимдирким: бешга таксим килгонлар деб. Улар қайсилар деб сўрасалар, жавоб берамизким, биринчи Оврупо, иккинчи Осиё, учинчи Африко ... деб.

Мана дарс, мана мантик, мана 8—9 яшар болаларга жугрофия дарси!..

Мана шўролар ҳукуматининг баробарлашган меҳнат мактабига айлантириш керак деб жон чекишиб ёткон мактаби ахволи! Мана таълим ва тарбия!

Хозир Самаркандда 32 мактаб бор экан. Мана шунинг нечаси шу ахволда деб сўрагон сўрогга «барчаси — ҳаммаси шундай», демакдан бошқа жавоб йўқ.

Мактабларимизнинг барчасининг шу ахволда бўлиши яхши муаллимларимизнинг йўқлигидан эмас, муаллимларимизнинг орасинда яхшилари бор, лекин булар баъзи мактабларда биртагина тушуб қолгонлар, бу муаллимлар ўз дарсларини тузуккина берадилар.

Лекин ўшал мактабларда-да бошқа дарслар юкоридаги туруш билан борадир.

Тавоф қилмайтургон жойи шу ердаким, шу ахволни хозиргача ҳеч ким майдонга қўймагон, ҳеч бир вақт бу тўғрида ёзилмагон, сўйланмагон.

Бу муаллимлар курсларинда таълим ва тарбия оти бўлиб ўзи бўлмагонидан келган. Хозирдаги саккиз оилик «таълим ватарбия» курсларинда муаллим бўлмағони учун таълим ва тарбия дарси йўқ экан. Мана сиз андак муҳокама қилинг. Бу факат муаллимнинг айби эмас. Бунга маориф идораси ҳам айблик. Балки айбнинг кўби маориф идорасиндадир. Муниг иложини топиш мумкин. Самарканд шаҳринда таълим ва тарбиядан хабарлик бир-икки муаллим бор, топиладир...

Биз хозирги муаллим кучи ва шу ахволи билан мактабни ҳеч олиб қоролмаймиз. Агар олиб қорамиз деб қўнғирок (асрор) қилсак, жиноят қилгон бўламиз. Менимча, бу 32 мактаб миқдорини ўнга тушириш керак. Муаллимлар орасидан сайлаб ўн мактабга яраша ажратиш керак. Лекин курсга таълим ва тарбия дарсини ҳақиқатда қирғизиш керакдир. Бу бир.

Иккинчи: мактабларга болаларнинг қелмаслиги; оу табиий бир ҳол. Биринчи — сира мактабдан бола қойдаланмайдир; гимнастикадан бошқа нарсаяўқ

Сўғун - бутун муаллимларнинг даъвосинча бизим халқнинг муҳаббатини жалб қилиш учун мактабларда дин дарслари бўлсин. Муаллимлар расмий соатлардан бошқа бир соат-ярим соат дин дарсини берсалар, болаларни қелтириш учун отасини, қариндошларини қамашлик керак бўлмай қоладир.

Бу тажриба билан исбот бўлгондир. Маориф идораси, шўролар ҳукумати дин дарси ўқитишга қарши эмасдир. (Хусусан Туркистонда). Шу шарт биланким, ҳукумат пули қетмасун, мулалар ўқутмасунлар!

Чунки ҳукумат мусулмонлар учун пул берса, дин дарсларига ўруслар учунда керак бўладир, бу эса шўро ҳукуматининг қонун асоси тарафидан қоллангондир.

Чунки улар ҳурофот ва сафсатадан бошқа нарсая беролмайдирлар. Буларни эса

келтириб, саккиз-етти яшар болалар олдига қўйсак, фойда йўқдир. Балки кўб зарардир. Бултур муни тажриба килиб кўрдик...
Мана бу юкни тадбирини кўришни маориф идорасига тавсия килар эдим.

«Мактабларда ахвол» маколasi В.М. имзоси билан «Меxнаткашлар товуши» газетасининг 1921 йил 15 феврал сонидa босилган.